

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2019 йил
18 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 101 (13259)

@haqiqatonline

Нурафшон шахри-
да Халқ депутатлари
Тошкент вилояти
Кенгашининг навбат-
даги 42-сессияси
бўлиб ўтди. Унда
вилоятимизнинг 2020
йил учун маҳаллий
бюджети муҳокама
қилинди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Сессияда шаҳар ва
туманлар ҳокимлари,
уларнинг иқтисодиёт ва
тадбиркорликни ривож-
лантириш масалалари
бўйича биринчи ўринбо-
сарлари, инвестиция,
молия ва солиқ органла-
ри мутасаддилари, иж-
тимоий соҳа вакиллари
иштирок этдилар.

Кун тартибидagi маса-
ла бўйича вилоят ҳоки-
мининг биринчи ўринбо-
сари Одилхон Рустамов
сўзга чиқиб, якунлаиб
бораётган 2019 йилда
вилоятимизда маҳаллий
бюджет ижроси, шунинг-
дек, келгуси йилда кути-
лаётган ўзгариш ва на-
тижалар ҳақида ахборот
берди. Жорий йилдан
эътиборан илк мартаба
Ўзбекистон Республикаси
Қонуни мақомида тас-
диқланган давлат бюд-
жетининг ўзига хос жи-
хатлари, бунда маҳаллий
ҳокимликлар, иқтисоди-
ёт комплексининг вази-
фалари бўйича тушунти-
риш берилди. Шунинг-
дек, 2020 йил учун Тош-
кент вилояти бюджетни
тўғрисида депутатларга
соҳалар кесимида ахбо-
рот берилди.

Муҳокамада сўзга чиқ-
қанлар маҳаллий бюд-
жетда кўзда тутилган да-
ромад ва харажатлар,
уларнинг адолатли тақ-
симланиши, эндиликда
маҳаллий кенгашлар ва-
колатига қиритилаётган
муҳим ўзгаришлар қонун
устуворлиги ва бюджет
шаффофлигини таъмин-
лашни таъкидладилар.

Муҳокамалардан сўнг,
2020 йил бюджетни тўғри-
сидаги Халқ депутатлари
Тошкент вилояти Кенга-
шининг қарори овозга
қўйилди ва тасдиқланди.
Унга кўра, 2020 йилда
Тошкент вилоятининг
бюджети 2 триллион 582
миллиард 900 миллион
сўмини ташкил этади.

Халқ депутатлари вило-
ят Кенгашининг сессия-
сида Ўзбекистон Рес-
публикаси Молия вази-
рининг ўринбосари Ёр-
кин Турсунов, Тошкент
вилояти ҳокими вази-
фини бажарувчи Рустам
Холматов иштирок этди.

Тошкент вилояти
ҳокимлиги
Ахборот хизмати

22 декабрь, якшанба:

БЕШ ЙИЛЛИККА ТАТИГУЛИК КУН

Жамиятни том маънода мустаҳкам жа-
миятга айлантиришнинг муҳим шарт-
ларидан бири – бу ҳаётини қарор-
ларни қабул қилишда кўп-
чилигининг иштирок эти-
шидир.

Ўз ўзидан аёнки, сайлов
жамият ҳаётидаги энг муҳим
ва керакли жараёндир. Де-
мак, сайлов ҳақиқий бўлиши
сайловчиларнинг фаоллиги-
га боғлиқ. Сайловларда
фаол иштирок этиш бу сай-
лов кунин сайлов участкасига
чиқиб, сайлов бюллетенига
белги қўйиб қайтиш, дегани
ҳам эмас. Бу ўринда тушун-
чамизни кенгроқ қилиб,
айни пайтда жойларда депу-
татликка номзодларнинг ўт-
казаетган учрашувларида
қатнашиб, улар орасидан му-
носибларини танлаб овоз
беришимиз нафақат ўзимиз,
балки келажак авлод тақди-
рига ҳам бефарқ эмаслиги-
мизни кўрсатади.

Тан олиш керак, айрим
сайловчилар "Фалончи депу-
тат бўлиш учун қуруқ ваъда
бераёпти, аслида депутат-
ларнинг ваколати кўп нарса-
га етмайди", мазмунидаги
биреклама фикрларда юра-



(Иллюстратив фото)

ди. Бу мутлақо асоссиз му-
носабатдир. Олий Мажлис Қонунчилик
палатасида қонунлар лойиҳа-
лари ва бошқа меъёрий ҳуж-
жатлар кўриб чиқилаётганда
ҳар бир депутатнинг, фрак-

цияларнинг фикри, муноса-
бати, таклифи, албатта,
ҳисобга олинади. Уларнинг
қабул қилиниши ёки қилин-
маслиги сабаблари юзаси-
дан асосланганлиги тушун-
тириш берилиши ҳеч кимга

сир эмас. Халқ депутатлари
маҳаллий Кенгашлари те-
гишли ҳудудни ривожланти-
риш билан боғлиқ энг муҳим
масалаларни муҳокама этиб,
қарорлар қабул қилаёпти.

Давоми 2-бетда ➡

Сайлов – 2019



Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси,
Халқ депутатлари вилоят, туман
ва шаҳар Кенгашлари сайлов
бўйича сайлов кампанияси доира-
сида сиёсий партияларнинг сай-
ловолди ташвиқоти давом этмоқда.
Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбе-
кистон Экологик партияси Тошкент вилояти
Кенгаши номидан тақдим этилган "Улуғвор
мақсадлар йўлида бирлашайлик!" сарлавҳа-
ли мақола таҳририятимиз томонидан тақдим
этилган бепул нашр майдони доирасида чоп
этилмоқда.

2-саҳифага қаранг ➡

Халқаро Матбуот маркази Тошкент вилояти бўлимининг расмий МУНОСАБАТИ

Яқинда ижтимоий тармоқларда Қибрай туман-
идаги 417-сайлов участкаси фаолиятида амал-
даги қонунчиликка зид ҳолат мавжудлигига доир
ахборот тарқалди.

Гап шундаки, Халқ депу-
татлари Қибрай туман кен-
гашига тумандаги 9-сайлов
округидан Ўзбекистон Либе-
рал Демократик партияси то-
монидан номзоди кўрсатил-
ган Дилфуза Раҳимова айна
пайтда 4-умумтаълим макта-
би директори сифатида фа-
олият юритади. Бу мактаб-
да 417-сайлов участкаси
жойлашган бўлиб, бевосита
Д. Раҳимованинг қўл остида-
ги ходими Шоира Абдура-
зоқова мазкур участка сай-
лов комиссияси раиси си-
фатида фаолият юритиб кел-
ган. Холбуки, мазкур номзод
учун ҳам айнан шу участкада
сайлов ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси
Сайлов кодексининг 25-
моддасида сайлов комис-
сияси аъзоларига қўйила-
диган талаблар белгилан-
ган бўлиб, бошқа сайлов ко-
миссияларининг аъзолари,
сиёсий партиянинг аъзола-
ри, вилоят, туман ва шаҳар
ҳокимлари, прокуратура
органларининг, судларнинг
мансабдор шахслари, ном-
зодларнинг яқин қариндош-
лари ва ишончли вакилла-
ри, шунингдек, номзодлар-
га бевосита бўйсунувчи
шахслар сайлов комиссия-
сининг аъзоси бўлиши мум-
кин эмас.

Давоми 2-бетда ➡

ДАЛАДАН ДАСТУРХОНГАЧА...



Президентимиз раислиги-
да жорий йилнинг 16 октяб-
ри кунин чорвачилик ва боғдор-
чилик тармоқларини ривож-
лантириш бўйича устувор
вазифаларга бағишлаб ўтқа-
зилган йилгиликда аҳолини
арзон гўшт ва сут маҳсулот-
лари билан таъминлаш бора-
сидаги ишлар етарли эмас-
лиги танқид қилинган эди.
Давлатимиз раҳбари томони-
дан мазкур йилгиликда чор-
вачилик соҳасида маҳсул-
дорликка эришиш учун авва-

Зангиота туманида чорвачилик кунин доирасида
"Даладан дастурхонга" мавзусида амалий семи-
нар ўтказилди.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш
давлат қўмитаси томонидан "Ўзбекчорванасл"
агентлиги, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида таш-
кил этилган тадбирда чорвачилик соҳаси мута-
хассислари, вилоятдаги чорвачилик йўналишида-
ги фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок
эти.

ло, наслчилик масалаларига
алоҳида эътибор қаратиш
зарурлиги қайд этилди.

Тошкент вилоятида ҳам
мазкур йилгиликда белгилаб
берилган устувор вазифалар
ижросини таъминлаш, жумла-
дан, аҳолини арзон, сифат-
ли билан таъминлаш бора-
сидаги ишлар етарли эмас-
лиги танқид қилинган эди.
Давлатимиз раҳбари томони-
дан мазкур йилгиликда чор-
вачилик соҳасида маҳсул-
дорликка эришиш учун авва-

қўйиш, наслчиликни яхши-
лаш, чорвадор фермерлар-
нинг муаммоларини ҳал
этиш, уларнинг билим ва ма-
лакасини ошириш чоралари
қўрилатири.

Президентимизнинг 2019
йил 18 мартдаги "Чорвачилик
тармоғини янада ривожлан-
тириш ва қўллаб-қувватлаш
чора-тадбирлари тўғрисида"-
ги қарори бу борадаги иш-
лар ривожига муҳим ҳуқуқий
асос вазифасини ўтаётир.

Давоми 3-бетда ➡

□ Байрам ярмаркалари

Юртимизда Янги йил шукуҳи кезиб
юрган айна кунларда байрамона бе-
заклар билан кўркамлашган кўча ва
хўбонлар янада ажиб тароват касб
этмоқда. Байрамни кўтаринки кайфият-

да кутиб олиш мақсадида вилоятимиз-
нинг барча туман ва шаҳар марказла-
рида, бозор ва савдо шаҳобчаларида
аллақачон арзонлаштирилган савдо
ярмаркалари ташкил этилган.

Янги йил... БОЗОР ҚИЛИШДАН БОШЛАНАДИ



Янгийўл шахридаги деҳқон
бозорида ташкил этилган
ярмаркада ҳам арзонлашти-
рилган нархларда қандолат,
гўшт ва гўшт маҳсулотлари,
сархил мева ва сабзавотлар
савдоси йўлга қўйилган.

– Ярмаркага ҳар кунин тад-
биркорлар, фермерлар, ху-
сусий корхоналар томонидан
янги маҳсулотлар олиб кели-
ниб, бозор расталари тўлди-
рилмоқда. Маҳсулотлар ҳар
кунин эрталаб махсус лабора-
тория текширувидан ўтқа-
зилгач, савдога қўйилади.
Нарх-наво белгиланиши на-
зоратга олинган, – дейди
Янгийўл шаҳар деҳқон бозо-
ри МЧЖ раҳбари ўринбоса-
ри Мухсин Тешабоев. – Сав-
до ярмаркамизда кунига
"Дилшод гранд бизнес" ху-

сусий корхонаси 400 кило-
граммгача парранда гўшти,
"Балиқчи" фермер хўжалиги
шунча микдорда балиқ маҳ-
сулотлари етказиб бермоқ-
да. Шунингдек, ҳар кунин ўрта
ҳисобда 500 кг. гўшт, 1,5
тонна хўл мева, 1 тоннагача
сабзавот маҳсулотлари эл
дастурхонига етказиб берил-

моқда. Байрам кунлари та-
лабга кўра маҳсулотлар тури
ва микдорини оширишни
режалаштираяпмиз.

– Гўшт расталарининг ха-
ридорлар билан тўлалиги
бежиз эмас, – дейди янги-
йўллик Нуржон Муродова.
– Нархлар нисбатан арзон.
Рўзгорга шу ердан бозор
қиламиз. Бугун ҳам гўшт,
тухум, сабзавотлар харид
қилдик. Байрамолди ярмар-
калардан кўнглимиз тўлаяп-
ти. Демак, байрам дастурхо-
нимиз ҳам тўкин бўлади.

Аллома АЗИЗОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

"Тошкент ҳақиқати"га жавоб берадилар

Газетамизнинг шу йил 16 ноябрдаги
91-сонида юқоридаги сарлавҳа билан чоп
этилган мақолада Чиноз тумани, Эски
Тошкент қишлоғидаги ҳудудий кутубхона
номаълум сабабларга кўра Олмазор
қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг
Ахборот-ресурс марказига айлантирилгани
ва кейинчалик мутасаддилар томони-
дан эътиборсиз ташлаб қўйилгани баён
этилган.

Таҳририятга мазкур мақола юзасидан
Тошкент вилояти Касбий таълимининг
ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳуду-
дий бошқармаси бошлиғи вази-
фасини вақтинча бажарувчи А. Закиров имзоси
билан жавоб мактуби келди. Хатда айти-
лишича, шу кунга қадар бошқарма та-
сарруфидagi таълим муассасалари Ахбо-
рот-ресурс марказлари қошида 30 дан

«Зах босган болалик»


зиёд филиаллар фаолият юритиб келган.
Яна мактубда айтиладики, ушбу йил-
ларда филиалларнинг моддий-техник
базасини янгилаш ва мустаҳкамлашга,
янги нашрдан чиққан бадиий, сиёсий ва
бошқа адабиётлар билан бойитиш, яъни
харид қилиш ҳамда даврий газета ва жур-
налларга обуналар ташкил этиш учун
маҳаллий бюджетдан етарлича маблағ
ажратилмаган.

Юборилган жавоб хатида масалага
объектив қараш қўйилмади. Биз мак-
тубда фақат ва фақат ўрни алмашиб ке-
лаётган бир хил гапларни кўрдик, холос.
Хатда муаммонинг ечимини айнан кимга
топширилгани ва нима учун Ахборот-ку-
тубхона соҳаси бундай аянчли ҳолга ке-
либ қолгани аниқ далиллар билан маъ-
лум қилинмаган.

Жавоб хатида Олма-
зор қишлоқ хўжалик
касб-хунар коллежи ба-
лансида бўлган собиқ
филиал Чиноз тумани
марказий кутубхонаси-
га айлантирилгани ҳамда ушбу муассаса
2020 йил январь ойдан ўз фаолиятини
қайтадан давом эттириши маълум қилин-
ган. Бизни ўйлантиргани, кутубхона ту-
ман марказий кутубхонаси мақомини
қачон ва ким томонидан олди? Агар 2020
йил январь ойдан яна ўз фаолиятини
тиклайдиган бўлса, унинг мазкур янгила-
нишига мутасаддилардан ким масъул
этиб белгиланган? Юқоридаги жавоб
хатида таҳририят қониқмади.

Таҳририят мазкур мавзуга яна қайта-
ди.

Янги Ўзбекистон — янги сайловлар!



Айни пайтда жамиятда фан-техника тараққиётининг жадал ривожланиши, саноат ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалигининг мисли кўрилмаган даражада кенгайиши, аҳоли сонининг кескин кўпайиши

бир қанча экологик муаммоларни вужудга келтирмоқда. Ҳақиқатан ҳам, экологик муаммолар сабаб ва оқибатларига кўра сайёрамизнинг ҳамма бурчакларида долзарб бўлиб қолмоқда.

УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК!

Бу борадаги муаммоларни бартараф этишда Ўзбекистон Экологик партияси ўз дастурий вазифаларини, сайловолди сиёсий позициясини амалга оширишда, партиянинг дастурий мақсад ва гоёларини қўллаб-қувватлайдиган, экология соҳасида етарли тажриба орттирган, ўз фаоллиги билан Ватанимиз манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган, экологияни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг соғлиғини сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тўб ислохотларни тушуниб етган, ташкилотчилик тажрибасига эга бўлган ва бу борада мустақил қарор қабул қила оладиган фуқароларга таянади.

Партиямиз экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш баробарида экологик маданиятни шакллантириш масаласига ҳам катта эътибор қаратади. Боиси, экологик маданият шаклланса, она-

табиат ва инсонлар ўртасидаги мувозанат сақланиб туради. Бу, ўз навбатида, яшаш тарзини яхшилашга хизмат қилади. Инсоннинг маънавий, иқтисодий, жисмоний, лозим бўлса, эстетик жиҳатдан гўзаллиги ва ақлий ҳаёти бевосита табиатнинг мусоффолиги билан чамбарчас боғлиқдир. Энг муҳими, экологик маданияти юқори инсонларгина улуғвор мақсадлар йўлида бирлаша оладилар.

Партиямиз жамиятда экологик маданият даражасини юксалтиришда аҳоли ва, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик саводхонлигини ошириш, экологик онги ва маданиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш, экологик таълим ва тарбия жараёни самарали ташкил этишга йўналтирилган ишларда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини муҳим деб ҳисоблайди.

Бу борада партиямиз куйидагиларга йўналтирилган давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этади:

Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини ҳаётга изчил ва самарали татбиқ этиб боради;

Экология соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари, иқтисодиёт ва бошқарув, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ва раҳбар-кадрларини экологик билим савиясини оширишнинг самарали тизимини яратишга катта эътибор қаратади.

Экологик таълим-тарбия жараёнига масофадан туриб ўқитиш учун ахборот ресурсларини яратишни ўз ичига олган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосий мақсадларимиздан саналади. Бунинг учун ёшларнинг экологик таълим-тарбияси масалаларида оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим муассасаларининг сайёҳ-ҳаракатларини бирлаштиришга бел боғлабимиз.

Ўзбекистон Экологик партияси

халқимизнинг экологик маданиятини ошириш вазифасини ҳал этиш учун биринчи навбатда табиат ва инсон уйғунлигига эришишни таъминлашга интилиш, уни келгуси авлод учун асраб-авайлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан тежамли фойдаланишдек асрий анъана ва қадриятлардан иборат маданий ҳамда табиий меросга таянишни муҳим деб ҳисоблайди.

Партиямиз ушбу вазифаларни давлат органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда бажаради. Мавжуд экологик муаммоларга жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш, уларни изчил ҳал этишнинг энг мақбул йўллариининг муҳокамасини ташкил этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳолати ҳақида фуқароларни ҳаққоний экологик маълумотга эга бўлиши ва тезкор ахборот билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Экологик партияси

оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилади ҳамда ўзининг босма оммавий ахборот воситаларини, Интернет ресурсларини ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини ташкил этади.

Ўзбекистон Экологик партияси атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ресурс ва энергия тежовчи экологик тоза технологиялар борасидаги илмий изланишларни ривожлантиришда ташаббускорларни, олим ва мутахассисларни қўллаб-қувватлаган ҳолда фан ва таълим соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимизда экологик маданияти юқори, юксак интеллектуал жамиятни шакллантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлади, деб ҳисоблайди.

Партиямиз доимий равишда аҳолининг атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлашга эътибор қаратиб келмоқда. Шунингдек, экологик таълим ва тарбия тизимини барқарор ривожлантиришни шарт, деб ҳисоблайди. Мамлакатимизнинг ноёб табиатини халқимиз тарихий меросининг ажралмас қисми сифатида келажақ авлодлар учун асраб-авайлашига интилади.

Партиямиз томонидан экологик маданиятни шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратилиши Тошкент вилоятининг экологик ҳолатида алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз. Чунки, вилоятимизнинг бетакор табиатини асраб-авайлаш, шунингдек, учраётган муаммоларни бартараф этишда айна масала ниҳоятда долзарбдир.

Масалан, чиқиндилар муаммосини олайлик. Ўтган давр мобайнида бу борада тегишли ишлар амалга оширилганига қарамадан, ҳали-ҳануз муаммо сақланиб қолмоқда. Шунинг учун биз атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдала-

ниш орқали аҳоли учун қулай яшаш шароитлари яратилишини ҳам энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун эса Ўзбекистон Экологик партияси мақсадли давлат, минтақавий ва ҳудудий дастурлар ҳамда лойиҳаларнинг жойларда амалга оширилишини таъминлаш зарур деб ҳисоблайди. Жумладан, табиий ресурслардан фойдаланишга экологик омиллари ҳисобга олган ҳолда ёндашиш, фуқароларга табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш тизимини кенгайтириш, бу борада аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларини ҳимоя қилиш, давлат хизматлари кўрсатиш ҳажми ва турларини кўпайтириш, соҳада давлат бошқаруви тизими самарадорлигини янада ошириш, хусусий секторни ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Партиямиз жойларда табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган истикболли инвестицион лойиҳаларнинг бажарилиши устидан жамоатчиликнинг тизимли экологик мониторинги амалга оширилишига, бу мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар, ҳомийлар маблағларини ўз вақтида, тўлиқ ўзлаштиришга ҳамда оқилона фойдаланишга ҳам ўз эътиборини қаратади.

Экологик маданият соҳиби бўлиш фақат табиатга зарар келтирмаслик эмас, балки унинг гуллаб-яшнаши, янада яхшиланишига ҳисса қўлиш, унга бешафқатларча муносабатда бўлганларга қарши курашмоқ ҳам демакдир.

Айни шу улуғвор мақсадлар йўлида бирлашишимиз учун сайловларда бизнинг номзодларга овоз беринг!

Фурқат АҲМЕДЖАНОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси
Тошкент вилояти Кенгаши раиси

Халқаро Матбуот маркази Тошкент вилояти бўлимининг расмий МУНОСАБАТИ

Халқаро Матбуот маркази вилоят бўлими мазкур участкани ташкил этган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 97-“Қиёрай” округ сайлов комиссияси раиси Абдурахим Нурмуродов билан боғланиб, эътирозли вазиятни ўрганди.

◀ Бошланғич 1-бетда

Чиндан ҳам, 417-сайлов участкаси тумандаги 4-умумтаълим мактаби биносидан жойлашган ва участка сайлов комиссияси раиси Ш. Абдураззоқова 4-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаши факти тасдиқланган.

Айни пайтда 97-“Қиёрай” сайлов округи раисининг қарори билан Ш. Абдураззоқова 417-частка

сайлов комиссияси раиси вазифасидан озод этилди. Шунингдек, у мазкур участка сайлов комиссияси аъзолигидан ҳам чиқарилди. Унинг ўрнига Халқ депутатлари туман кенгаши тавсиясига асосан, тумандаги 9-сонли мактабгача таълим муассасаси раҳбари Н. Мағдалиева мазкур участка сайлов комиссияси раиси вазифасига тасдиқланди.

Қабул қилинган қарорларнинг ижроси эса туман, шаҳарларимиз киефасини ўзгартириб бормоқда. Кеча бизни қийнаб, ташвишимизга сабаб бўлаётган муаммоларни сессиялар муҳокамасига киритиб, тегишли қарор қабул қилиниши ҳам депутатлар туфайлидир.

Сайловда энг муҳими муносиб номзодни тўғри танлай билиш ҳисобланади. Ҳўш, уларни қандай ажратиш ола-миз? Бу жараёнда энг муҳим асос партияларнинг дастури, гоёлари бўлади. Чунки, сайловчи партиялар, уларнинг сайловолди дастурлари ҳақида тасаввурга эга бўлмаса, илгари сурилаётган номзод эртага бирор бир ишни ун-далай олишига ишонмайди. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир партиянинг сайловолди дастури, гоёсини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш, энг муносиб номзодларга овоз бериш зарур. Бу учра-шувларда депутатликка ном-зодлар, уларнинг дастурла-ри, гоё ва мақсадлари билан танилиш, берилаётган турли саволларга қайтарилаётган жавоблардан ҳам кўп нарса-ни тушуниб олиш мумкин. Мунозара, баҳсларда эса ном-зодларнинг салоҳияти, қўли-дан нима иш келиши, парти-яларнинг бир-биридан фарқи яққол намоён бўлади.

Сайловнинг яна бир ҳаётий кучи шундаки, у сиёсий он-ни ошириб, жамиятни ҳақиқий жамиятга айлантира-ди. Бу жараён оила давраси-гача кириб боради. Дастур-хон атрофида сайлов ҳақида, овоз беришнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлар бошланиб

◀ Бошланғич 1-бетда

кетади. Фарзандлар ота-она ва ёши улуглар фикри, муносабатига қараб ҳаракат қили-шади. Улардан ибрат олиш-га интилишади.

Айни пайтда бешта партиянинг ўз олдида қўйган мақсад ва вазифалари ни-ҳоятда долзарб. Бир қараш-

22 декабрь, якшанба: БЕШ ЙИЛЛИККА ТАТИГУЛИК КУН

да, улар орасидан энг муҳим-ларини ажратиш олишнинг иложи йўқдек кўринади. Ҳамма масалалар ўринли, ҳал қилиш шарт бўлган муаммо-лар кўтарилган. Бироқ, сиё-сий-ҳуқуқий фаол кишигина олиб борилаётган тарғибот-ташвиқотлардан тезда те-гишли хулосаларни чиқара олади.

Тўғри, олдинги сайловлар-да сайланган айрим депутат-лар тайинли иш қилмади. Хатто, айримларини танимай-миз ҳам. Бу кимнинг айби? Энг аввало, биз, сайловчиларнинг масъулиятсизлигимизга бо-риб тақалади. Чунки, ўтган галги сайловларда тарғибот-ташвиқот тадбирларига бо-ришга вақтимизни қизганган-миз. Шу боис, оиламиз номи-дан бир киши бориб, овоз бериб келган ҳолатлар ҳам бўлган. Номзод ким? Унинг дастури, мақсади, келгуси ре-жалари, қолаверса, инсоний-лик фазилатлари қандайлиги билан қизиқмаганимиз.

Жорий йилги сайловлар мамлакатимиз тарихида том маънодаги янги сайловлар-дир. Давлатимиз раҳбари



ларда берилган ўтқир савол-лар катта шов-шувларга ҳам сабаб бўлмоқда.

Очигини айтганда, партия-ларимиз учун тарғибот учра-шувлари, дебатлар осон кеч-маяпти. Биргина берилган са-вол қайсидир партиянинг об-рўсини тўкиб ҳам қўймоқда. Шошмашошарликда қайта-рилган жавоблар эса ижтимо-ий тармоқларда кескин баҳс-мунозаларга, хаттоки, ҳажга олинаёпти. Буларнинг бари мамлакатимизда жорий йил-ги сайловларнинг аввалгиларидан катта фарқ қилишини яққол кўрсатиб турибди.

Айни шу жиҳатларни ол-диндан таҳлил қила олган партияларгина дуч келган

кишини эмас, балки сиёсий онги баланд, дадил, энг асо-сийси, ватанпарвар инсон-ларни номзодликка илгари суришди. Чунки, муносиб ном-зодларни тўғри танлай би-лишнинг ўзи салкам галаба, демакдир.

Кези келганда яна бир гап.

Халқимиз, нурунийларимиз одатда, ҳаётимиз, кундалик турмушимиз билан боғлиқ масалаларда пухта ўйлаб, кейин қарор қабул қилади. Бу адабиёт кетмаслигининг энг муҳим шарт. Қадриятга ай-ланган бу одат оддий турмуш тарзимизда ҳам ўз аксини топган. Айтايлик, катта ёшда-гилар бўлгуси келин ёки ку-ёвни танлашда, қариндошлик ришталарини ўрнатишдан олдин ҳар томонлама сўраб-суриштиришади. Қўпчилик-нинг фикрини ўрганиб, кейин бир қарорга келинади. Айрим сайловчиларнинг сайлов ҳа-қида етарли тушунчаси бўл-маслигини инобатга оладиган бўлсак, улар депутатликка номзодларни танлашда шу қадриятимизга таянишгани маъқул.

Депутат бўлиш шараф, у ҳар кимга ҳам насиб этавер-майди. Бунга муносиб бўлиш учун фикрни зикри билан халққа доим яқин бўлиш, эл-юртнинг ташвиш ва муаммо-лари билан яшаш талаб эти-лади. Мамлакатимиз тарихи-да илк марта ҳар томонлама адолатли, очиқ, шаффоф ўта-диган сайловларга ҳар бири-миз муносиб ҳисса қўшишда ана шундай шахсларга овоз беришни фуқаролик бурчи-миз, деб билимоғимиз керак.

Унутмайлик, биз сайлайди-ган депутат давлатнинг юқори идорасида эртанги кунимиз билан боғлиқ қонунлар қабул қилинишида бизнинг вакили-миз сифатида номимиздан иш кўради. Шундай экан, ўзини ҳурмат қилган инсон борки, сайлов жараёнларига бефарқ қарамайди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

□ Танлов



ҚУШНИНГ ҲАМ УЙИ БУЗИЛМАСИН

Оилаларда ажримлар, ўзаро келишмовчилик, турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун барча жамоат ташкилотлари ҳамжиҳатликда тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб бори-ши лозим. Зеро, оиланинг тинчлиги — маҳалла-лар осойишталиги, жамият тараққиёти ва фаро-вонлигини таъминлайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фао-лиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг қўш-ма қарорига асосан “Биз оилавий ажримларга қарши-миз!” мавзuida ўтказилаёт-ган иншолар танлови ҳам шу мақсадда ташкил этилмоқда.

Куни кеча мазкур танлов-нинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг ту-ман, шаҳар босқичларида голибликни қўлга киритган маҳалла раислари ҳамда маҳаллаларда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадрият-ларни мустаҳкамлаш бўйи-ча мутахассислар ўзаро беллашдилар.

— Танловдан қўзланган мақсад — оилавий ажралиш-ларнинг олдини олишда му-тахассисларнинг билим ва қўникмаларини мустаҳкам-

лашдан иборат, — дейди Фу-қароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари фаолияти-ни мувофиқлаштириш бўйи-ча вилоят кенгаши раиси-нинг диний-маърифий маса-лалар бўйича ўринбосари Барно Ҳамидова. — Шунинг-дек, маҳаллаларда ўзбек ти-лини кенг тарғиб этиш иш-ларини қучайтириш, соҳа ходимларининг нутқ мада-ниятини оширишга ҳам жид-дий эътибор қаратилган.

Яқуний натижаларга кўра, биринчи ўринни Қиёрай ту-мани, “Боғишамол” маҳал-ласи раиси Шарофат Жали-лова қўлга киритди. Ян-гийўл шаҳри, “Мевазор” маҳалласи раиси Гулчехра Турсунова иккинчи, Ўрта Чирчиқ тумани, “Янги ҳаёт” маҳалласи раиси Рўзибуви Курбонова эса учинчи ўрин-ни эгаллашди.

Ўз мухбиримиз
Аброр ЭСОНОВ
олган сурат

■ Шахсий фикр

Жорий йилнинг 10 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида ёшлар туризмини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори лойиҳаси эълон қилинди. Ушбу қарорга биноан, Ўзбекистонда олий ва ўрта таълим муассасаларида беш кунлик ўқиш жорий этилиши мумкин. Яъни, муҳо-

камага қўйилган мазкур қарор лойиҳасида беш кунлик таълимга ўтиш тақдир этилган. Шунингдек, ёзи таълими қисқартириш ҳисобига киши таълими узайтириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилади. Шахсан ўзим олий таълим муассасасидаги жараён ичида бўлганим учун ушбу тақдир қўллаб-қувватлайман.

БИЗДА ҲАММА АРАСТУ

Маълумки, талаба юрти-мизнинг турли чекка туманларидан пойтахтга бориб, кимларнингдир уйда ушайди. Ҳар куни Хумсон тепаликлари-дан тушиб, пойтахтда ўқиётган талабалар ҳам кам эмас. Аммо, олий таълим предмети субъектни, яъни уни ўрганиши керак бўлган халқнинг ижтимоий аҳоли ва шароитини ҳисобга олмасдан тузилган, деб очик айтиш мумкин. Бир ҳафта, бир ўқув йили ёки тўрт-беш йиллик ўқиш давомида ўқитилиши керак бўлган адабиётлар рўйхатида разм соладиган бўлса, ОТМни битираётган талабалар Суқрот ё Арасту бўлиши лозим. Аммо, амалда...



Таълим сифати ҳақида гап кетганда ҳаммамиз ўқитувчиларни, муассаса маъмуриятини, боринки, талабаларни айблагани бошлаймиз. Аммо, ОТМнинг бош моҳияти бўлган талабанинг шахсий ҳаёти ҳақида ҳеч ўйлаб

кўрганмисиз? Олий таълим муассасаларидаги талабалар тураржойи ҳаммага ҳам етарли эмас. Талабаларнинг аксарияти ижарада яшайди. Ижара учун тўлаш, овқатла-ниш ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун пул топиши,

ишлаши керак. Аммо қачон ўқийди? Шароити йўқлар учун сиртки таълим борку, деб айтишингиз мумкин. Лекин, нега муаммони ҳал қилиш эмас, балки сўзлов-чининг оғзини ёпиш чорасини излаймиз?

Камина чет мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан интернет орқали танишдим. Нафақат ривожланган, балки, ривожланаётган мамлакатлар университетларида ҳам талабани оталиққа олиш тизими бор экан. Бизда бундай усулни қўлламаган тарзда ҳам тизимни имконият ва шароитга мослаб энгиллаштириш мумкин.

Масалан:

- битта гуруҳ учун бир семестрга 5 та ёки 6 та фан;
- ҳар бир фаннинг керакли адабиётлари учун дунё тан олган манбалар олинади ва таржима қилинмаганлари буюртмага асосан таржима қилинади;

- амалиёт, мустақил таълим ва мустақил ишлар учун маблағ ажратилади;
- талабани тураржой билан таъминлай олмайдиган университетлар дарс соатлари ва бериладиган топшириқларни камайтиришда, унинг сифатини таъминласин. Яъни, талабанинг 4 йиллик умри фақат қоғозларда "Арасту илми"ни олмасинда, балки ўшанинг ўндан бир қисми бўлиб-бўлиб ўқитилсин.

Юқоридаги қарорда келтирилган тақлифнинг мақбул томони: талабалар маънавий ҳордиқ чиқариш учун қанчалик кўп вақт топсалар, дарсни ҳам шунчалик яхши ўзлаштирадilar.

Мен бу тақлифни қўллаб-қувватлайман!

Шохрўз УМАРЖОНОВ,
Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети
III босқич талабаси

ДАЛАДАН
ДАСТУРХОНГАЧА...

Зангиота туманидаги "Melek Best Milk Agro" масъулияти чекланган жамиятида ташкил этилган тадбир аввалида мазкур хужжат ижроси юзасидан туманлардаги "Чорванасл" марказларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 15 та "Дамас" автомашинаси тантанали равишда топширилди.

Айни пайтда аҳолининг сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талаби бозор тақлифидан юқори экани, бу ўз навбатида ушбу маҳ-

Боиси, насли қорамоллар жайдари зотларга нисбатан ҳам сут, ҳам гўшт, шунингдек, касалликка чидамлик борасида ҳам бир неча бор сермахсул ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, вилоятимизда 128 та сунъий уруғлантириш пункти фаолияти йўлга қўйилган. Айни пайтга қадар эса 320 минг бошдан ортиқ сигир ва гунажларнинг 90 фоиздан ортиги сунъий уруғлантирилди.

Семинарда иштирокчи-



сулот нарх-навосига сезиларли таъсир этаётгани кутатилмоқда. Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарори чорвачилик соҳасида йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни самарали ҳал этишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Жумладан, биргина "Чорванасл" марказларини сунъий уруғлантиришда зарур бўлган микроскоп, дьор ва криоген идиш, техник осеминаторлар сумкаси ва махсус жиҳозланган автомобиллар билан таъминлаш олис қишлоқлардаги аҳоли хонадонларига бориб, чорва молларини сунъий уруғлантириш, пировардида, махсулдорликка эришиш имконини яратди.

Айни пайтда вилоятда 670 та чорвачилик субъекти, шу жумладан, сутчилик йўналишида 574 та ва гўшт йўналишида 96 та субъект фаолият юритмоқда. Вилоят бўйича қарийб 888 минг бош қорамол, шу жумладан, чорвачилик субъектларида 113 минг 570 бош, аҳоли ва деҳқон хўжалиқларида 774 минг 190 бош қорамол боқилмоқда.

Чорвачилик ҳамда аҳоли ва деҳқон хўжалиқлари томонидан айни пайтда 226 минг 280 тонна гўшт этиштирилмоқда. Йил якунига қадар ушбу кўрсаткични 274 минг 280 тоннага етказиш режалаштирилмоқда.

– Албатта, чорвачиликда сифат ва самарадорликка эришишда наслилик муҳим ўрин тутди, – дейди вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Ақбаров. –

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Оқил ҒУЛОМОВ (сурат),
ЎЗА

◀◀ Бошланғич 1-бета

ЯНГИ ЙИЛНИНГ
"ОЛТИН"
ОЛМАЛАРИ

Ассалому алайкум!
Омонимиз, нурафшон-ликлар?

Сизларни бир муддат соғинтирганимнинг боиси бир-икки ҳафта муқаддам бозорга тушгандим, юрагимнинг мазаси қочди-да... Хуллас, ҳовлидаги тўрт туп кузги олма дарахтини бу йил дуруст парвариш-ламадим. Мана, аттангани қилаяпман. Ҳар йили кузда яшиқ-яшиқ ҳосил олардим. Бу йил ярим халта олма тердим, холос.

■ Аччиқтош

Хуллас, уй ичининг олма егиси бор. Уч-тўрт кило ола-ин, деб, бозор тушувдим-да. Кечки овқатдан кейин сериал томоша қилиб кавшаб ўтирсанг, қандоқ яхши? Бу олма деганда темир моддаси борлигини мактаб ўқувчиси билди. Олманинг хусусиятларини бир-бир санасам агар, газетнинг йил-ўн икки ойлик сонлари тўлса керак-ов. Гапнинг пўсткаллиси: олма – дармондори, олма – қони фойда! Айниқса, қишнинг кунинда.

Ёдингиздадир, ҳар ҳолда менинг эсим ҳалиям бутун. Бултур шу маҳалда олманинг килоси икки минг, нари борса уч-тўрт минг сўм эди. Ўн-ўн икки минг сўмга хитой қосақиданда йирик қип-қизил олмадан нақ икки килограмм олардим. Бугун бозорга бориб, олманинг нарҳини сўрагинг ҳам келмайди. Одамни ҳайиктиради, 12 минг – 15 минг сўм! Бир кило олма-я?..

Банани билсангиз керак – мультфильмларда кўргансиз: маймунларнинг севибли таоми. Ана ўша банан орқа маҳаллага туташ Тошкат фермернинг даласида эмас, қўшни қишлоқдаги Эшмат боғбоннинг боғида эмас, ҳў-ў-ў умон ортида ўсади. Дегиз оша кемада, дашту дала узра поездда дастурхонимизга етиб келади. Хуллас, банан – импорт маҳсулот. Унинг нарҳи ҳам шунга мувофиқ, йўл азобида яраша: 18-20 минг сўм. Бироқ, бу олманинг баҳоси... Шу кун бозордан юрак ҳовуллаб келганимдан бери шу алфозда юрибман.

Бу кун яна бозор тушдим. Икки кило олма харид қилдим. Қора елим халтани ошхонадаги хонтахтага қўйдим ҳовлидаги тўрт туп олманинг тагини юмшатишга уннадим. Бу сафар Янги йилни "олтин" олмалар билан кута турайлик. Кейинги йил дастурхонга ўзимизнинг боғда етилган кузги олмандан кўяман. Мана мен айтди, дейсиз. Муҳими, кейинги йил шу кунларгачон юрагингизни асранг...

"Карвалон" ичмоқчимас,
кар ва лол бўлмоқчи сиз-
ларга тилаб,
Мавлоно НУРАФШОН

■ Кўзгудаги ўзимиз

Ит билан отда бир хилат бор. Бу икки жонзот кўрқанингизни кўзингиздан дарҳол англайди. От ўзидан кўрқадиган одамни ўзига умуман яқинлаштирмайди. Аксинча бўлса, минг ўжар бўлса ҳам, олдига ҳақиқий чавандоз борса, жойида қотди. Отлар ҳақиқий чавандозни кўздан пайқайди.

Итлар ҳам шундай. Агар кўрқсангиз, ғажиб ташлайди. Кўрқмасангиз, қанчалик ваҳший бўлмасин, сизга яқинлаша олмайди.

Ёшлигимда итларга теги-ниб, жаҳлини чиқаришни ёқтирдим. Ваҳоланки, ёшлигимда икки марта ит талаган. Шундай бўлса-да, итни кўрсам, ўзимни тўтиб туролмасдим. Аслида эса бир марта ит қолган инсон бир умрга итдан кўрқиб қолади. Менда эса ана шу кўрқиш негадир йўқ. Икки мартасида ҳам жим ётган итга тегишимим оқибатида жазоимни олганман. Шу-шу итларга ўзимдан ўзим тегишмайдиган бўлганман.

Мақтабни битириб, айни йигитлик кунига тўлган вақтларим эди. Куёш ботар вақти. Қўшни қишлоқда зич жойлашган ҳовлилар орасидан ўтган йўлда буюк келажак ҳақида ширин ҳаёл суриб кетмоқдаман. Атрофимда 7-8 талаф итлар ақиллаб ётибди. Орасида йириқлари ҳам бор. Улар ҳам яқинлаша олмас, қуруқ "хабаш"дан нарига ўта олишмаётган эди. Ширин ҳаёллар оғушида ҳаттоки уларнинг атрофимда нима қилаётганига ҳам эътибор бермасдан келаётган эдим.

Тўсатдан чап тарафимдан отилган девдек нимарса ҳаёлимни бузди. Дарҳол бошимни ортага тортиб қол-

дим. У отилиши баробарида ўтиб кетди. Қарасам, бир ит яна ташланмоқчи бўлиб турибди. Ширин ҳаёлимни бузгани учун унга жаж билан қарадим. Кўзим кўзига тушди. Унинг яна отилишини кута бошладим. Агар яна шундай отилса, кетирдиган олиб ерга қай-

дираклаб "Ҳеч нима қилмадим", дебман. "Нега итим сенга тегинмади?" дея яна тушунарсиз савол ташладим. Унинг кейинги гапларидан англашимча, унинг ити одамхўр экан.

Қўллаб одамларни ғажиб ташлаган бу ит ҳақида кўп эшитганман. Ўта ваҳший

ҚЎРҚСАНГ – ҚЎРҚИТАРЛАР,
ҚЎРҚМАСАНГ – ҚЎРҚАРЛАР

тариб урмоқчи бўлиб турибман. Аммо, у бу режамни пайқанган шекилли бошқа ташланмади. Жойида қотди. Энг қизиғи, унинг бу журъатсизлигини кўрган бошқа итлар ҳам жойида қолиб кетишди. Изимдан бошқа эргашмади.

Икки кундан сўнг бозорда бир киши ёнимга келиб ҳе йўқ, бе йўқ: "Итимни нима қилдинг", дея ҳайрат билан савол ташлаб қолди. Ити ўлиб қолдимикан, деган ҳаёлга бордим. Дабдурустдан берилган саволдан ган-

бўлганлиги боис бу ит доим узун занжирда боғлиқ турган. Эшитдим у кейин кўрқишни бошладим.

Ўша кун бўйинидаги арқонини чиқариб олган экан. Эгаси эса таом, энди бу болани ғажиб ташлайди, деб югурган. Аммо, бир бор отилган итининг кейин ташланмишга журъати етмай, қотиб қолган аҳолини кўриб, эгаси ҳам ҳангу манг қолган.

Бу итнинг таърифини эшитиб, кейин кўрқишни бошладим. Яхшиямки, ўша

Эълонлар

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

2020 йил 17 январь куни соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига "Raxta Neft bazasi" МЧЖнинг 12.12.2019 йилдаги №09-1498-сонли бюрт-маномасига асосан жамият тасарруфидеда бўлган Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Т.Т. Охунова" массиви, "Ахиллик" МФЙда жойлашган, бириктирилган ер майдони 1,17 Га, жумладан, сув билан банд ер майдони 1,17 Га бўлган "Балиқчилик хўжалиги" (хўвуз) қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 92 020 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк 2020 йил 17 январь куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2020 йил 3, 18 февраль ҳамда 4, 19 март кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бе-восита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан кўчмас мулк

бошланғич нарҳининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амали-бўлимидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТИР: 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо қолибига асосан савдоси натижалари бўйича қолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кун ичида сотувчи билан олди-соти шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-соти шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.

Веб сайт: www.capitaltrust.uz
Тел.: +998 71 236-25-53.
Лицензия RR – 0298.

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

2020 йил 17 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1."Чирчиқ бошлар соғломлаштириш спорт комплекси" МЧЖнинг 11.12.2019 йилдаги №11/12-1-сонли бюрт-маномасига асосан жамият тасарруфидеда бўлган Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Ш. Рашидов кўчаси манзилида 0.9 Га ер майдонида жойлашган, умумий майдони 1004 кв.м., бошланғич баҳоси – 4 900 000 000 сўм бўлган қурилиш тугалланмаган савдо маиший хизмат кўрсатиш ва кемпинг бино ва иншоотлари. 2. "Чирчиқ гўшт" ХКнинг 11.12.2019 йилдаги №11/12-1-сонли бюрт-маномасига асосан қорхона тасарруфидеда бўлган Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, А. Темур кўчаси, 22-уй манзилида 1.5 Га ер майдонида жойлашган, умумий майдони 2959,88 кв.м., бошланғич баҳоси – 2 900 000 000 сўм бўлган бино ва иншоотлар.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2020 йил 17 январь куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2020

йил 3, 18 февраль ҳамда 4, 19 март кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан бюрт-маномасида ташкилот вакиллари иштирокида бе-восита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нарҳининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пули тўланганлигини тасдиқловчи хужжат билан бирга қўйидаги хужжатларни тақдим қилишлари шарт:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган хужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқ-

лайдиган хужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан бюрт-маномаларни қабул қилиш расмий иш кунлари (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан бюрт-маномаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо қолибига аукцион савдоси натижалари бўйича қолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кун ичида сотувчи билан олди-соти шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Закатат пулини тўлаш учун ре-квизитлар "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ. АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими. Ҳўр: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТИР: 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.

Телефон: +998-71-236-25-53.
www.capitaltrust.uz.
Лицензия RR – 0298.


Ижтимоий тенглик, адолат, барқарорлик – бу уч сўз замирида нақадар катта маъно-мазмун мужасам. Яъни, жамиятда ҳар бир фуқаро учун тенг имконият ва шароит, барча учун эркин муҳитни жорий

этиш, аҳолини сифатли, мақбул турмуш тарзи билан таъминлаш демакдир. Ушбу масалалар ечим топган юрт шубҳасиз, ривожланган, тараққий топган давлатдир. Унда инсонлар бахтли, келажақ эса ёрқиндир.

Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси ва яшаш сифатини дунёнинг ривожланган давлатлари даражасига олиб чиқиш учун мамлакатда иқтисодий барқарорлик таъминланган бўлиши лозим. Халқ демократик партияси шу мақсадда қатор устувор вазифаларни дастуриламал қилиб олган.

Партия ушбу мақсадга эришиш йўлларини белгилашда, давлат ва жамият томонидан ижтимоий ҳимоя ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож аҳоли қатламнинг манфаатларидан келиб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди. Халқ демократик партиясидан Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига кўрсатилган номзодлар ҳам бу борада ўз режа ва мақсадларига эга.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ЎТГАН ДАВРДАГИ FAOLIYATI HAQIDA MA'LUMOT

1 ноябр
2019 й.

Халқ демократик партияси:

ФАРОВОН ҲАЁТ, ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ТАРАФДОРИМИЗ!

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
шифокор-педиатр,
Ўзбекистон Халқ демократик
партияси Тошкент вилояти
Кенгаши раиси,
20-“Искандар” сайлов
округидан номзод:



– Фаолиятим давомида аҳолининг турли қатламлари билан учрашиб, уларнинг қизиқишлари, ўй-хаёллари ва хоҳиш-истакларини ўргандим. Натижада, жамиятда ижтимоий масалалар устуворлик касб этишига яна бир бор амин бўлдим. Айниқса, ижтимоий заиф қатлам, ижтимоий ҳимояга эhtiёжманд кишилар даражаси тинглаб, уларга ечим топиш керак, деган ҳулосага келдим. Пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори турмуш кечирishi учун етарли бўлмаган пенсионерлар, ногиронлиги бўлган фуқаролар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, кўп болали аёллар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, елғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари манфаатлари қонунчилигимизда батафсил акс эттирилишида ташаббускор бўлиш ниятидаман.

Наргиза НАЗАРОВА,
педагог, Ангрэн шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси,
2-“Талабалар” сайлов
округидан номзод:



– Инсон қачон ўзини хотиржам ва бахтли ҳис этади? Қачонки рўзғори бут, эhtiёжлари таъминланган бўлса, албатта. Бунинг учун одам доимий иш ўрнига, оиласи ва ўзи учун етарли маблағга эга бўлиши лозим. Банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган инсонлар, жумладан, меҳнат бозорига энди кириб келган таълим муассасалари битирувчиларини муносиб шароитга эга ҳамда муносиб ҳақ тўланадиган иш билан банд қилиш олдимизга қўйган энг устувор вазифалардандир.

Фарҳод УМАРОВ,
Миллий технологик тадқиқотлар университети “МИС”нинг Олмалик шаҳридаги филиали директори,
9-“Кимёгар” сайлов
округидан номзод:



– Кишлоқ жойларда тиббиёт соҳаси мутахассислари, малякали кадрларга эhtiёж катта. Ана шундан келиб чиқиб, партиямиз кишлоқ ешларини ўзлари яшаган аҳоли пунктларида ишлаш шарти билан давлат грантлари асосида педагогик, тиббиёт ва бошқа мутахассисларни тайёрлайдиган олий таълим муассасаларига кириши учун имтиёзли шароитлар жорий қилиш керак, деб ҳисоблайди. Бунинг учун турли имтиёзли кредитлар, субсидиялар тизимидан фойдаланиш мумкин.

Ирода ҚОДИРОВА,
Бекобод тумани
Марказий шифохонаси
болалар бўлими
шифокори,
16-“Далварзин” сайлов
округидан номзод:



– Партиямиз ўз дастурида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархлари ҳамда рўйхатини белгилаш давлат томонидан тартибга солиниши қонуний жиҳатдан мустақамлаш тақлифини илгари сурмоқда. Бундан ташқари, мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, аҳолининг бошқа заиф қатламларини ҳар йили тўлиқ иктиссослаштирилган юқори технологияли тиббий хизматларни қўллаш йўли билан бепул тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш масаласи ҳам дастурнинг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Бу орқали ижтимоий ҳимояга эhtiёжманд аҳоли вакиллари учун қўшимча имтиёзлар яратилади. Мазкур амалиёт барча турдаги оилавий поликлиникаларни тиббий кўрикдан ўтказишда зарур бўладиган замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳам ўз ичига олади.

Козимжон БАЙЗАКОВ,
Энергетика вазирлиги
хузуридаги Ўзбекистон
миллий электр тармоқлари
корхонаси етакчи
мутахассиси,
45-“Қумовул” сайлов
округидан номзод:



– Партиямиз “Аҳолининг эhtiёжманд қатламларини юқори ижтимоий таъминланганлик даражаси – жамият барқарорлигининг мустақам пойдевори”, деб ҳисоблайди. Демак, аҳолининг турмуш даражасини белгилашда, ижтимоий сиёсат ва давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиш жорий этишда, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам даражасини белгилашда халқаро ҳамжамиятда умумқабул қилинган кўрсаткичлар, яъни яшаш минимуми ва истеъмол саватчаси ҳамда уларни қўллаш тартиби амалиётга киритилиши зарур.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ НАММА НАРСАДАН УСТУН!



NOMZODLARGA OVOZ BERING!

Гулнора АБДУНАЗИМОВА,
терапевт,
Оққўрғон тумани
хотин-қизлар
кўмитаси раиси,
36-“Оққўрғон” сайлов
округидан номзод:



– Биз жамиятнинг ҳар бир аъзосига саломатлигини мустақамлаш учун тенг имкониятлар яратиши тарафдоримиз. Бунинг учун қонунчиликда соҳага доир янги меъёрлар, тартиб-


қоидалар жорий этилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, партиямиз “Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши масаласини кўриб чиқишни тақлиф этмоқда. Бу орқали аҳолининг алоҳида тоифаларига ажратиладиган дори-дармон, протез-ортопедия воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий ёрдамни имтиёзли тақдим этиш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш имкони ортади.

Фарҳод ЁҚУБОВ,
Паркент тумани
30-умумий ўрта таълим
мактаби директори,
41-“Бойқозон” сайлов
округидан номзод:



– Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни меҳнат фаолияти давомида ҳимоя қилиш ҳамда партиямизнинг устувор йўналишларидан бўлиб келган. Бундан кейин ҳам ушбу амалиётни давом эттирган ҳолда, олис кишлоқ ҳудудларидаги мактаблар, кишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларига малакали ва тажрибали мутахассисларни жалб этиш мақсадида уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмининг қонунчиликлари мустақамлаш бўйича тақлиф тайёрлаш ҳамда уни парламентдаги фракция орқали қонунчилик ташаббуси сифатида илгари суришни режалаштирганимиз.


Раъно ТУРДИБОЕВА,
Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицей директори,
31-“Кибрай” сайлов
округидан номзод:



– Жамиятда тенглик бўлиши, ижтимоий демократиянинг бош мезони – бу фуқароларнинг даромадини ошириш, улар учун ҳар томонлама муносиб иш ўринлари яратишдан иборат. Бунинг учун тадбиркорлик субъектларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур. Хусусан, тадбиркорларни ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақидан юқори маош тўланадиган барқарор иш ўринлари яратишга рағбатлантириш керак.

Бу борада партиямиз меҳнатга ҳақ тўлаш микдоридан келиб чиқиб, ижтимоий тўловларнинг дифференциал ставкаларини белгилашни тақлиф этади. Бундан қорхона тўлайдиган ўртача иш ҳақи қанча юқори бўлса, ягона ижтимоий тўлов микдори шунча пасаяди.

Алим ТҮЙЧИЕВ,
“Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамияти электрда пўлат эритиш цехи пўлат эритувчиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
6-“Фарҳод” сайлов
округидан номзод:



– Биз ижтимоий иқтисодиёт аҳолининг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда партия маҳаллий ҳокимиятлар даражасида ҳудудларнинг истеъмол товарларга эhtiёжини ўрганиш ҳамда аҳолининг ўсиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, истеъмол талабини ривожлантириш режасини тайёрлаш зарур, деб ҳисоблайди. Бунда, тегишли ҳудудларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун зарур ресурслар мавжудлигига эътибор қаратиш лозим.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кишлоқ бўжалиги маҳсулотларни экспорти бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ушбу ҳолат ички бозорда тақчиллик келтириб чиқармаслиги ва озик-овқат маҳсулотлари нархини ошириб юбормаслиги лозим. Ана шундан сўтувчининг ҳам олувчининг манфаатларига путур етмайди.

Гулистан АЙТЕКОВА,
педагог, қурилиш ва сервис касб-хунар коллежи директори,
52-“Янгибозор” сайлов
округидан номзод:



– Инсон шаъни, қадр-қиммати, манфаатлари устуворлигини таъминлаш – тенглик ва адолатнинг энг муҳим шартидир. Бугун ривожланган техника ва ахборот асрида яшар эканмиз, ижтимоий бирдамлик тинчлик ва фаровонлиқни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини унутмаслик зарур.

Партиямиз мазкур масалага доир вазифаларни фуқароларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш ҳамда миллий мустақиллик гоёсини мустақамлаш бўйича давлат ва фуқаролик жамияти институтлари олиб бораётган ишларни изчил қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширади.

Шу муносабат билан, партия оила институтини мустақамлаш ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришда барча ташкилотлар иштирокини таъминлашга интилади.

Акмал КАРИМОВ,
Нурафшон металл қурилмалари акциядорлик жамияти бошқаруви раиси,
47-“Нурафшон” сайлов
округидан номзод:



– Халқаро ҳамжамиятда ўз ўрни-миз, сўзимиз ва позициямизга эга бўлишимиз бево-сита мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ижтимоий тенглик ва ижтимоий демократия тамойилларининг

қанчалик жорий этилгани билан боғлиқдир. Шу маънода, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатда ижтимоий демократия тизимини шакллантириш тарафдори. Бу аҳолининг барча, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун давлат, жамият ва суд-ҳуқуқ соҳаларида тенгликни таъминлаш демакдир.

Шу билан бирга, партия ижтимоий тенгликни таъминловчи масалалар бўйича процессуал механизмларни қонуний жиҳатдан мустақамлаш ҳамда самарали парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди.

Халқ демократик партияси номзодлари ўз дастуридаги кўрсатиб ўтилган устувор вазифаларни илгари сурар экан, бошқа сиёсий партиялар билан бўлаётган соғлом рақобат шароитида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида тасирчан парламент фракциясини яратишни таъминлайдиган муносиб ўринга эришишни режалаштирмоқда.

22 декабрь куни сайловчиларни барча учун тенг имконият, мақбул шароит яратиши билан боғлиқ гоёларни қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши Ахборот хизмати

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Файрат

ШЕРАЛИЕВ

Манзилми:

111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги

офисими:

100000, Матбуотчилар

кўчаси, 32.

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Электрон почта: toshkenthqiqati@mail.ru // th-pt@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахрираты компьютер марказида
терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусоҳиҳ

Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи

Раъшан БАЙЖАКОВ

ISSN 2010-9318.

Буюртма Г-1243. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 430 нусхада чоп этилди.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.00. 1 2 3 4 6